

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

“Шарғункўмир” АЖ

бош директори

Х.Н.Абдуллаев

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

“Шарғункўмир” АЖ молиявий хўжалик фаолиятининг 2022 йил якунига кўра:

- бухгалтерия ҳисоботининг миллий стандартлари бўйича аудиторлик хизмати;
- молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бўйича аудиторлик хизмати;
- корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш;
- самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (СМК) ва самарадорликнинг йиғинди кўрсаткичлари (СЙК) ни ҳисоблаш

ташки аудиторлик текширувидан ўтказилиши юзасидан аудиторлик ташкилотларини танлови бўйича танлов эълон қилади.

1. Умумий маълумотлар ва техник талаблар

№	Асосий маълумотлар ва талаблар рўйхати	Асосий маълумотлар ва талаблар мазмуни
1.	Буюртмачи	“Шарғункўмир” АЖ
2.	Иш бажарилиш жойи	Сурхандарё вилояти, Сариасиё тумани, Шаргун ш, А.Икрамов кўч 50-уй
3.	Иш мазмуни	“Шарғункўмир” АЖ молиявий хўжалик фаолиятининг 2022 йил якунига кўра бухгалтерия ҳисоботининг миллий стандартлари (БҲМС) ва молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС) бўйича аудиторлик хизматини ўтказиш, корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш, самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (СМК) ва самарадорликнинг йиғинди кўрсаткичлари (СЙК) ни ҳисоблаш ҳамда ташки аудиторлик текширувидан ўтказилиши юзасидан аудиторлик хулосаси тақдим этиш
4.	Иш бажариш учун асос	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.02.2020й даги ПҚ-4611-сонли “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Қарори; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.04.2015й даги ПФ-4720-сонли “акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги” Фармони
5.	Иш ҳажмининг тавсифи	Аудитнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат: 1. Молиявий хўжалик фаолиятининг 2022 йил якунига кўра бухгалтерия ҳисоботининг миллий стандартлари (БҲМС) ва молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари

		(МХХС) бўйича аудиторлик хизматини ўтказиш, корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш, самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (СМК) ва самарадорликнинг йиғинди кўрсаткичлари (СЙК) ни ҳисоблаш ҳамда ташқи аудиторлик текширувидан ўтказилиши юзасидан аудиторлик хулосаси тақдим этиш 2. Жамиятнинг 2022 йил якунлари бўйича бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиши, бухгалтерия фаолияти, солиқ ҳисоб-китоблари, иш ҳақи тўловлари ва бошқа молиявий фаолиятини ўрганиб чиқиш ҳамда баҳо бериш; 3. Аниқланган камчиликлар юзасидан кўрсатма ва тавсиялар бериш ҳамда бартараф этишга кўмаклашиш.
6.	Танловда иштирок этишга рухсат берилган ташкилотлар	Белгиланган ишларни бажаришга тажрибаси ва малакаси етарли даражада бўлиши талаб этилади
7.	Ишни бажариш муддати	2023й 25 майгача
8.	Молиялаштириш манбаи	“Шарғункўмир” АЖ нинг ўз маблағлари
9.	Тўлов тури	Шартнома имзолангандан санадан 5 кун ичида шартнома баҳосининг 15 фоизи миқдорида олдиндан тўлов амалга оширилади. Хизматларни бажариш муддатида ишлар бажарилганидан сўнг шартнома умумий суммасининг қолган 85 фоиз миқдори ҳисобварақ-фактура асосида ўтказилади.
10.	Бажариладиган ишлар нархи	100 000 000 (Юз миллион сўм, ҚҚС билан ва барча солиқларни ҳисобга олган ҳолда)
11.	Коррупция йўл қўймаслик учун ариза	Тақдим этилиши шарт

2. Асосий шартлар.

1. Шартнома суммасининг катъий белгиланиши- ва шартноманинг амал қилиш муддати давомида ўзгартирилмайди.

2. Жамоа (гурух) аъзоларининг доимийлиги ва шартнома амал қилиш муддати давомида лойиҳани бошқарувчи менеджернинг ўзгартирилмаслиги.

3. Буюртмачи томонидан техник тижорат таклифини ўрганиш босқичида Бажарувчининг лойиҳа командаси аъзолари билан суҳбат ўтказилиши мумкинлиги.

3. Хизмат кўрсатиш натижалари ва хизматни қабул қилиш топшириш тартиби

Хизматларни қабул қилиш ташкилот томонидан тасдиқланган лойиҳа натижаларига асосан расмийлаштирилган бажарилган ишларни қабул қилиш топшириш далолатномаси ва ҳисоб-фактура асосида амалга оширилади.

Бажарилган хизматлар бажарувчи томонидан хизмат кўрсатилиб, натижалар буюртмачига топширилган санадан бошлаб 24 ой давомида қафолатланиши шарт.

4. Харид хужжатлари таркибига куйиладиган талаблар

Бажарувчиликга даъвогар танловда қатнашиш учун куйидаги хужжатларни тақдим қилиши зарур:

- Бажариш муддатлари, босқичлари ва тақдим қилинадиган асосий ҳисоботлар кўрсатилган лойиҳани амалга ошириш режаси (графи) («Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги» Ўзбекистон Республикаси Қонунига асосан);

- Бажарувчининг ўзи ва лойиҳани амалга оширишда бевосита қатнашувчи асосий мутахассислар ҳақида маълумотлар (резюме, малакасини тасдиқловчи диплом ва сертификатлар).

5. Иштирокчи малакавий даражаси куйиладиган талаблар

Иштирокчи малакавий даражаси куйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- Иштирокчининг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан шакллантирилган аудиторлик ташкилотлари реестрида мавжудлиги;

- Иштирокчининг камида ўн йиллик йирик корхоналарни аудиторлик текширувидан ўтказиш тажрибасига эгаллиги;


- Иштирокчи жамоасида сертификатланган аудиторларнинг мавжудлиги, шу жумладан камида 3 киши аудиторлик сертификатт (миллий) ҳамда камида 2 кишида халқаро миқёсда тан олинган сертификатларга (ACCA, DipIFR CPA, CIPA) ва иш тажрибасига эга 5 нафар мутахассиснинг мавжудлиги;

- Банклар олдида мажбуриятлари йуклиги (кредитлар, банк кафолатлари, аккредитивлар, кафолатлар), ёки контрагентлар томонидан ҳисоб-китоб операцияларини тўхтатиш бўйича таъқиқ, ёки тергов, суриштирув, прокуратура, суд ижрочилари қарори билан ёки Ўзбекистон Республикаси Судининг Қарори билан муайян миқдордаги пулни ундириш бўйича ҳисоб рақамга таъқиқ, шунингдек, картотека №1 (тўловни қабул қилишни кутаётган ҳисоб-китоб хужжатлари) ва картотека №2 (ўз вақтида тўланмаган ҳисоб-китоб хужжатлари) мажбуриятлари йуклиги ҳақида банк маълумотномаси мавжудлиги;

- Ишларни ўз вақтида муваффақиятли амалга оширилишини таъминлаш мақсадида аудиторлик ташкилоти раҳбариятининг фаол жалб этилиши;

- Аудиторлик ташкилотининг бюджет ва мақсадли фондлар олдида қарздорлигини йуклиги тўғрисида маълумот.

Бош ҳисобчи ўринбосари



Э.Б. Насиров

Келишилди:

Бош ҳисобчи



Ш.Б. Файзуллаев

Прогнозлаштириш, иқтисод ва
таҳлил бўлими бошлиғи

С.Х. Абдиев

Акциядорлар билан корпоратив
муносабатлар хизмати бошлиғи



Х.А. Ташкулов